



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO'JALIGI VAZIRLIGI

100140, Toshkent viloyati, Qibray tumani, Universitet ko'chasi, 2-uy, tel.: (998-71) 206 70-30,
Ishonch telefoni:(998-71) 206-70-65, www.agro.uz, el. manzil: info@agro.uz, agro@exat.uz



2022-yil 5-yanvar № 07/35-05/3

Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида дехқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-20-сон қарорининг 12-бандида Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Дехқон хўжаликлари учун қисқа муддатли интенсив ўқув курсларини ташкил этиш топшириғи белгиланган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида вазирликнинг 2021 йил 22 ноябряда 266-сонли буйруғи тасдиқланиб, мазкур буйруқнинг 1-иловаси 7-бандида Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги топшириқ ижрочиси этиб белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Сиздан жорий йилнинг 10 январь кунидан қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш ва ўтказишни таъминлашингизни сўраймиз.

Шунингдек, вазирлик томонидан ишлаб чиқилиб, тасдиқланган малакали тренер-консультантларни тайёрлаш қисқа муддатли ўқув курслари дастурлари ва худудлардан танлаб олинган номзодлар рўйхати таклиф сифатида тақдим этилмоқда.

Илова: _____ варақда.

Вазир ўринбосари



А.Тураев